

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
«MAN GROUP AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Манзили: Фарғона шаҳар, Кувасой кучаси, 111- уй, СТИР: 20716612, ХХТУТ:84400
Х/р: 2020 8000 9050 1149 6001, АТБ «Ҳамкор банк» Истиқбол филиали, МФО: 00965*

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Сурхондарё Худудий Электр тармоқлари корхонаси раисига
(СТИР: 200475661)

Сурхондарё Худудий Электр тармоқлари корхонаси

Манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри
Ал Ҳаким ат-Термизий шох кўчаси, 10-уй

Мен, Фарғона шаҳри, Кувасой кўчаси, 111-уйда жойлашган, электрон почта манзили ilhomjons@mail.ru, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 28.08.2015 йилда берилган АФ № 00738-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 18.12.2012 йилда 399-сон билан рўйхатга олинган, СТИР: 207166123, банк ҳисоб-рақами 20208000905011496001, АТБ “Ҳамкор банк” Истиқбол филиалида очилган, МФО:00965, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MAN-GROUP-AUDIT” аудиторлик ташкилоти директори-бош аудитор Салиев Илҳомжон Адҳамович(Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган ва 19.09.2017 йилда 5 йилга узайтирилган), хўжалик юритувчи субъект **Сурхондарё Худудий Электр тармоқлари корхонасининг** бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботидан иборат 2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декабрга қадар ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини икки томонлама тузилган шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, **Сурхондарё Худудий Электр тармоқлари корхонасининг** илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.



Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **Сурхондарё Худудий Электр тармоқлари корхонасининг** 2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаоляти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ "MAN-GROUP-AUDIT"
аудиторлик ташкилоти директори-
бosh аудитор:

24 апрел 2018 йил



A handwritten signature in blue ink, appearing to be "I. Saliev".

И.Салиев